

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**АЛИМАРДАНОВ ОЛИМ ТУЙЛИЕВИЧ**

**КАРТОШКА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТУРЛИ ҚАТОР ОРАЛИҚЛАРИ  
ВА ПАРВАРИШЛАШ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.08 - Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии(PhD) посельскохозяйственнымнаукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation  
of agricultural sciences**

**Алимарданов Олим Туйлиевич**

Картошка ҳосилдорлигига турли қатор ораликлари ва парваришlash  
тадбирларининг таъсири ..... 3

**Алимарданов Олим Туйлиевич**

Влияние различной ширины междурядий и мероприятий по уходу на  
урожайность картофеля..... 21

**Alimardanov Olim Tuyliyevich**

Impact of different inter-row width and production agrotechnologies on yield  
of potato..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**АЛИМАРДАНОВ ОЛИМ ТУЙЛИЕВИЧ**

**КАРТОШКА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТУРЛИ ҚАТОР ОРАЛИҚЛАРИ  
ВА ПАРВАРИШЛАШ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.08 - Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Qx381 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samvni.uz](http://www.samvni.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Остонақулов Тоштемир Эшимович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Атабаева Ҳалима Назаровна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Низомов Рустам Ахролович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашининг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-34. E-mail: [riim@qsxv.uz](mailto:riim@qsxv.uz).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Н.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
қ.х.ф.д., профессор.

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, қ.х.ф.н., профессор.

**Ж.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон деҳқончилигида картошкачилик жадал ривожланиб, 150 та мамлакатда 19-20 млн. гектар майдонга экилиб, ҳар йили 350-381 млн. тонна ялпи ҳосил етиштирилмоқда. Ўртача ҳосилдорлик эса ҳар гектардан 17-18 тоннани ташкил этди<sup>1</sup>. Картошка ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлар – Голландия, Германия, Польша, Бельгия, Белоруссия, Россияда ушбу экинни ўстиришда экиш ва парваришланишнинг ўсимлик ўсиш ва ривожланишига қулай шароит яратадиган самарали тадбирларни белгилаш, барқарор юқори ва сифатли эртаги ҳосил шаклланишга имкон берадиган муайян тупроқ-иқлим шароитига мос навларни танлаш, замонавий технологияларни яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Дунё картошкачилигида мазкур экиннинг турли тупроқ ва иқлим шароитларига мос янги истиқболли навларини яратиш, уларни турли муддат ва усулларда етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, картошкани қулай қатор оралиқлари ва парваришлаш тадбирларида ўстириб, тупроқ унумдорлигини сақлаш, эрозия жараёнининг олди олиниши, ҳайдалма қатламда туганак шаклланишига зарур шароит яратиш асосида барқарор юқори ва сифатли товар, уруғбоп ҳосилдорликка, кўпайиш коэффициенти таъсирини баҳолаш каби устувор йўналишлардаги тадқиқотлар зарур ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, картошка ҳосилдорлигини мунтазам равишда ошириш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш эвазига соҳанинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда эртаги картошка ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, экспорт салоҳиятини кўтариш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Сурхон воҳаси хўжаликлари шароитида картошкани эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстириб мўл ва сифатли уруғбоп ҳосил олишда пайкални бегона ўтлардан тоза сақлаш, тупроқни юмшоқ ҳолда ушлашга қаратилган парваришлаш агротадбирлари, яъни қатор орасини ишлаш, фрезалаш, юмшатиш, культивация, чопиқ қилиш, озиқлантириш, жўяк олишга қаратилган изланишлар умуман олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш алоҳида белгиланган. Шунинг учун парваришлашда қўлланиладиган техникалар мавжуд ва замонавий фрезали культиваторлар билан ишлашнинг картошка пайкалига, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилнинг шаклланишига таъсирини илмий ва амалий жиҳатдан асослаш долзарб ҳисобланади.

<sup>1</sup><http://www.fao.org/faostat/foodsecurity>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясигитўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сон «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25-сон «Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган<sup>3</sup>.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз турли тупроқ-иқлим шароитларида картошкани эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида турли парваришlash тадбирлари ва қатор оралиқлари кенглигида ўстирилганда ҳосилдорлик ва товар туганаклар чиқимига таъсир этиши Республикада Н.Н.Балашев, О.Я.Фонина, Т.Э.Остонақулов, С.Х.Нарзиева, А.Х.Ҳамзаев, М.Ортиқов, С.Т.Санаев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Картошка навлари ҳар хил қатор оралиқлари кенглиги ҳамда парваришlash тадбирларида етиштириш борасида картошкачилик ривожланган давлатларда R.Peters (АҚШ), A.Specher, B.Scholz (Германия), W.Zerulla, P.Schukmani (Голландия), Н.С.Бацанов, С.Н.Карманов, Б.А.Писарев, А.В.Коршунов (Россия), Н.В.Кононученко (Белоруссия)кабилар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, бу борадаги изланишлар илмий манбаларда нашр этилган.

Лекин, кейинги йилларда картошкани эртаги ва ёзда янги қовланган туганакларидан иккиҳосилли экинлар сифатида ўстириб, мўл ва сифатли уруғбоп ҳосил олишда пайкални бегона ўтлардан тоза сақлаш, тупроқни юмшоқ ҳолда ушлашга қаратилган парваришlash тадбирлари, яъни қатор орасини ишлаш, культивация, чопиқ қилиш, озиқлантириш, жўяк олиш муҳим ўрин тутди. Ушбу агротехнологик тадбирлар тизими картошка эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида турли қатор оралиқлари кенглиги ҳамда навлар негизида ҳисобга олиниб тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХА-8-006-2015 «Картошка жаҳон генофондини сақлаш, бойитиш асосида ҳосилдор, вирусли айнишларга чидамли, ҳосили экологик тоза, сақланувчан навларни яратиш, бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

<sup>3</sup><https://lex.uz.docx>; <https://www.uzscience.uz>

**Тадқиқотнинг мақсади** эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида турли парваришлаш тадбирлари ва қатор оралиқлари кенглигида ўстирилган картошка ўртатезпишар навларининг ўсиши, ривожланиши, тупроқ физик ва сув хоссалари ҳамда ҳосилнинг шаклланиши, товар ва уруғбоп ҳосилдорликка таъсирини ўрганиб юқори, сифатли ва арзон ҳосилни таъминловчи тадбирлар тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли қатор оралиқлари кенглиги ҳамда парваришлаш тадбирларида эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстирилганда картошка пайкалида тупроқ физик хоссалари, ҳарорати ва намлигининг ўзгариши, бегона ўтлар билан ифлосланишига таъсирини ўрганиш;

картошка навлари эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида турли қатор оралиқлари ва парваришлаш тадбирларида ўстирилганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил шаклланишини аниқлаш;

эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида турли қатор оралиқлари ҳамда парваришлаш тадбирларида картошка навлари ўстирилганда умумий, товар ва уруғбоп ҳосил чиқими, кўпайиш коэффициентига таъсирини белгилаш;

эртаги экин сифатида турли қатор оралиқлари ва парваришлаш тадбирларида етиштирилган картошка навлари ҳосили ёзда янги қовланган туганаклардан қайта экилганда дала унувчанлиги, ўсимликларни вирусли касалликлар билан касалланиши ва маҳсулдорлигини ўрганиш;

турли қатор оралиқлари кенглиги ва парваришлаш тадбирларида эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка навлари ўстирилганда иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхондарё вилоятида кенг тарқалган қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқ, картошканинг ўртатезпишар «Sante» ва «Яроқли-2010» навлари 2-репродукция уруғлик туганаклари, 2 та ўстириш усули, 2 та қатор ораси кенглиги ва 3 та парваришлаш тадбирлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка ўртатезпишар Sante ва Яроқли-2010 навлари, қатор ораси 70 ва 90 см қилиб, “Амак” фрезали-культиватор ёки КРН-2,8А культиваторга қўшимча мослама ўрнатиб, 1 марта 18 см, 2-марта 23 см чуқурликда 8-10 см химоя зонаси қолдириб юмшатиш ва жўяк олиш орқали ўсимлик ўсиши, ривожланиши, уруғбоп ҳосил шаклланиши, ҳосил миқдори ва сифатига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Бутунроссия ўсимликшунослик институти, Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик

экинларининг янги навларини синаш бўйича Давлат комиссияси услуги ҳамда тавсиялари асосида олиб борилган. Дала тажрибаларида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов усулида ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Сурхондарё вилоятининг қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка ўртатезпишар навлари мақбул қатор оралиқлари ва парваришlash тадбирларида ўстирилганда юқори товар ва уруғбоп ҳосил етиштириш агротехнологиялари такомиллаштирилган;

эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка ўстирилган пайкал тупроғининг физик хоссалари, ҳарорати ва намлигини бошқариш аниқланган;

картошка навлари эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида турли қатор оралиқлари ва парваришlash тадбирларида ўстирилган ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил шаклланиши асосланган;

турли қатор оралиқлари ва парваришlash тадбирларида картошка навлари умумий, товар ва уруғбоп ҳосил чиқими, кўпайиш коэффициенти аниқланган;

эртаги экин сифатида турли қатор оралиқлари ва парваришlash тадбирларида етиштирилган картошка навлари ҳосили ёзда янги қовланган туганаклардан қайта экилганда дала унувчанлиги, поя шаклланиши ва ҳосилдорлиги асосида иккиҳосилли экинга мослиги аниқланган;

эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошканинг Sante ва Яроқли-2010 навлари мақбул қатор оралиқлари ва парваришlash тадбирларида ўстиришнинг самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Сурхондарё вилояти қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка навлари қатор оралари 90x15 см схемада “Амак” фрезали-культиватор ёки КРН-2,8А культиваторга кўшимча мослама ўрнатилиб 1-марта 18 см, 2-марта 23 см чуқурликда 8-10 см ҳимоя зонаси қолдириб юмшатиш ва жўяк олинганда энг юқори товар (25,3-32,7 т/га) ва уруғбоп (13,4-17,9 т/га) ҳосилдорлик ҳамда ҳар гектардан 2,4-5,4 млн. сўм соф даромад ва 11,8-21,5% кўшимча рентабеллик даражаси таъминланди.

Сурхондарё вилояти шароитида картошка навларини эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстиришнинг қулай экиш усули ва парваришlashга оид тавсия (2018 й.) ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ўтказилган дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини услубий жиҳатдан тўғрилиги диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотларнинг ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича амалий илмий лойиҳаларнинг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижаларининг республика миқёсидаги илмий

анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларида чоп этилиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Сурхондарё вилоятининг қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка ўртатезпишар навлари турли қатор оралиқлари ва парваришlash тадбирларида ўстирилганда пайкал физик ва сув хоссалари, ўсимлик ўсиши, ривожланиши, уруғбоп ҳосил шаклланиши, ҳосилдорлик ва сифати бўйича баҳоланиб, “Амак” фрезали-культиватор ёки КРН-2,8А культиваторга қўшимча мослама ўрнатилиб, парваришlashнинг илмий асосланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитидаги фермер хўжаликларида картошка ўртатезпишар навларини эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида қулай қатор ораси кенглиги ва парваришlash тадбирларида ўстирилганда барқарор, юқори сифатли ва арзон ҳосил олишни таъминловчи агротехнологик тадбирлар тизимининг ишлаб чиқилганлиги ва жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Картошка ўртатезпишар навларини эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстиришда мақбул қатор ораси кенглиги ва парваришlash тадбирларини қўллашга имкон берувчи технологиясини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

фермер ва томорқа хўжаликлари учун «Сурхондарё вилояти шароитида картошка навларини эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстиришнинг қулай экиш усули ва парваришlashга оид тавсиялар» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 15 декабрдаги № 02/029-2068-сон маълумотномаси). Бунда фермер ва деҳқон хўжаликларида эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка ўртатезпишар навларини етиштириш технологиясини мақбуллаштириш бўйича зарур тавсиялар берилган;

картошканинг ўртатезпишар «Sante», «Яроқли-2010» ва бошқа навларини эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстиришда қатор орасини 90 см қилиб, ўсув даврида парваришlashни “Амак” фрезали-культиватор ёки КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатиб 1-мартга 18 см, 2-мартга 23 см чуқурликда 8-10 см химоя зонаси қолдириб юмшатиш ва жўяк олиш технологияси жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 15 декабрдаги № 02/029-2068-сон маълумотномаси). Натижада картошканинг гектардан 28,7-32,7 (эртаги) ва 25,3-28,2 тоннагача (иккиҳосилли экинда) товар ҳосилдорликка эришилган;

Сурхондарё вилояти қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитидаги Ангор тумани “Шодибек Суннатбек Сурхон”, “Рахмонали

Ангор”, “Таллиморон Тулқин”, Жарқўрғон тумани “Замон”, “Обод Сурхон Файз” фермер хўжаликларида мазкур технология 23,9 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 15 декабрдаги № 02/029-2068-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳар гектардан 10,0-13,8 млн. сўмгача соф даромад олинган ва 54,0-72,2% рентабелликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ҚХООТИИЧМ ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда ҳар йили СамВМИнинг илмий ҳисобот ва «Ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш» кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та, шулардан, 1 та монография, 1 та муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган, шунингдек 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Картошка экинига ташқи муҳит омиллари, қатор ораси кенглиги ва парваришlash тадбирлари бўйича илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдида қўйилган мақсад ва вазифалар, муайян шароитда картошка ўртатезпишар навларини эртаги ҳамда иккиҳосилли экинлар сифатида турли қатор ораликлари кенглигида ва парваришlash тадбирларида ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот жойи, шароитлари, объекти,**

**йўналишлари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари батафсил баён этилган.

Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари 2015-2017 йиллар мобайнида Сурхондарё вилояти Ангор тумани Мустақиллик худуди “Шодибек Суннатбек Сурхон” фермер хўжалигининг қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилган, механик таркибига кўра, кўпинча бир хил бўлиб, оғир ва ўрта кумокли эканлиги, сизот сувлари 8-10 м чуқурликда жойлашганлиги, шўрланмаганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тажриба ўтказилган қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларини агрохимёвий тавсифлаш учун ҳайдов қатлами (0-30 см) ва ҳайдов ости қатламидан (31-50 см) тупроқ намуналари олиниб таҳлил қилинганда, тупроқ қатламларида тегишлича гумус миқдори 1,08; 0,73; умумий азот 0,11; 0,07; умумий фосфор 0,20; 0,13; умумий калий 2,04; 1,65 фоиз, ҳаракатчан фосфор 18,6; 14,1; алмашинувчан калий 203; 176 мг/кг бўлиб, тупроқ профили бўйлаб пастга тушган сари бу миқдорнинг камайиши ва тупроқ сувли сўримининг муҳити нейтрал ёки кучсиз ишқорий бўлиб, рН=7,1-7,2 га тенглиги ҳақида маълумотлар баён этилган.

Сурхон воҳаси, шу жумладан Ангор туманининг иқлим шароити ўзига хос хусусиятларга эга. Худуд иқлимининг хусусиятларидан бири ёғингарчилик кам бўлиши ва ер юзасига қуёш нурлари орқали тушувчи иссиқлик миқдорининг юқорилиги ҳақида маълумотлар берилган.

Сурхондарё вилояти иқлими кескин континентал, ўта иссиқ ва қуруқ бўлиб, фаслдан фаслга ҳамда кун давомида ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши билан тавсифланади. Қиши анча юмшоқ ва илиқ, январда ўртача ҳарорат +3<sup>0</sup>С дан +7<sup>0</sup>С гача ва июлда 39-41<sup>0</sup>С га қадар ўзгаради. Бу ойда Термиз ва Жарқўрғонда ҳарорат 48<sup>0</sup>С га етиши бўйича маълумотлар берилган.

Сурхондарё вилоятининг ўртача бир йиллик ёғингарчилик миқдори 147,3 мм ни ташкил этади. Ёғин-сочин асосий қисми куз, қиш ва баҳор мавсумига тўғри келади ва ёз мавсумида ёғин-сочин деярли кузатилмаслиги каби маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ўтказилган 2015-2017 йиллар давомида иқлим шароитлари натижалари таҳлил қилиниб, тажриба ўтказилган йиллар йиллик ёғингарчиликлар миқдори 173,0-204,9 миллиметрни ташкил этиб, кўп йиллик кўрсаткичдан 25,7-57,6 миллиметрга зиёд тушгани баён этилган.

Сурхондарё вилоятининг қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида картошкадан эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида юқори ва сифатли ҳосил олиш имконияти мавжудлиги асослаб берилган.

Дала тажрибаларида қуйидаги кузатиш, ўлчаш ва ҳисоблашлар олиб борилган:

- тажриба даласи тупроғининг агрохимёвий тавсифи, тупроқ ҳайдалма

(0-30 см) ва ҳайдалма ости (31-50 см) қатламларидаги гумус И.В.Тюрин, ялпи азот, фосфор, калий И.М.Мальцева ва Л.Н.Гриценко ҳамда нитрат азоти Грандваль-Ляжу, аммоний азоти Несслер реактивида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий П.В.Протасов услублари асосида аниқланган;

- тупроқнинг (0-10, 10-20 см) намлиги (экишгача, тадбирлар ўтказилгач ва йиғиш олди) термостат усулида, тупроқнинг (0-10, 10-20 см) ҳарорати термометр ёрдамида (экишгача, тадбирлар ўтказилгач ва йиғиш олди), тупроқнинг зичлиги (ҳажми массаси) Н.А.Качинский усулида (0-10, 10-20 см) қатламда экишгача, тадбирлар ўтказилгач ва йиғиш олди аниқланди.

Тажрибаларда уруғлик туганаклар дала унувчанлиги, ҳақиқий туп қалинлиги (униб чиқиш ва ҳосилни йиғиб олиш олдидан), фенологик кузатиш Давлат нав синаш комиссияси (1974) услуби бўйича, биометрик ўлчашлар (ўсимлик буйи, поя ва ён поялар сони, барг сони ва сатҳи кабилар) Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти услуби бўйича аниқланган;

- ўсимликнинг вирусли касалликлар билан зарарланиш даражаси кўз билан кўриб, Х,У,S,M – вируслар мавжудлиги серологик ёки иммунофермент анализлари ёрдамида аниқланган;

- тупнинг маҳсулдорлиги, ҳосил тўплаш динамикаси, ҳосилдорлик, товарбоп ва уруғбоп туганаклар чиқими, кўпайиш коэффициенти Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти услуби бўйича баҳоланган;

- эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстирилган туганакларнинг биокимёвий таркиби “Методика исследований по культуре картофеля” услуби асосида аниқланган;

- картошканинг уруғлик сифати, яъни иккиҳосилли экинга мослиги Т.Э.Остонакулов услуби бўйича баҳоланган;

Диссертация иши дастурига мувофиқ илмий-тадқиқотлар картошкани турли қатор ораликлари кенглиги ҳамда парваришlash тадбирларида эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстирилганда ҳосилдорлик, товар ва уруғбоп ҳосил чиқими, кўпайиш коэффициенти, ҳамда маҳсулдорлигига таъсири тажриба тизимлари бўйича олиб борилган, дала тажрибалари йўналишлари, схемалари диссертацияда аниқ кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка навларини турли қатор ораликлари ва парваришlash тадбирларида ўсиш, ривожланиш, ҳосил шаклланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида картошка ўртатезпишар навлари эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатидатурли қатор ораликлари ва парваришlash тадбирларида ўсимлик ўсиши, ривожланиши, уруғбоп ҳосил шаклланиши, товар туганаклар чиқими, ҳосилдорлик даражаси ва сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Картошка ўртатезпишар Яроқли-2010 ва Sante навларида қатор

орасининг кенглиги ва интенсив парваришlash тадбирлари эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстирилганда ривожланиш фазалар рўй бериши ва ўтишига таъсир этиб, униб чиқиш 1-2 кун эрта рўй бериб, ўсув даврини 2-4 кунгача узайганлиги қайд этилган.

Энг юқори даражада вегетатив органларининг шаклланиши 90x15 см схемада “Амак” фрезали-культиватор ёрдамида парваришlash тадбирлари қўлланилганда қайд этилиб, назорат вариантга нисбатан навлар бўйича ўсув даврининг 30-куни ўсимлик бўйи 42,7-55,4 ёки 6,9-8,3 сантиметрга, барглар 35,5-43,8 ёки 3,7-4,8 донага зиёд бўлди ва ўсув даврларининг кейинги 40-70-кунлари ўсиб, ўсимлик бўйи 92,6-105,4 ёки 8,1-9,4 см.га юқори, барглар 114,8-120,0 ёки 6,6-15,5 донага кўпайганлиги аниқланган.

Нисбатан юқори даражада вегетатив органларининг шаклланиши 90x15 см схемада КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатилган парваришlash тадбирлари қўлланилганда кузатилди ва назорат вариантга қараганда навлар бўйича ўсув даврининг 30-куни бир тупда ўсимлик бўйи 6,8-7,9 сантиметрга, барглар 4,2 донага юқори бўлса, ўсув даврларининг кейинги 40-70-кунлари ҳар ўн кунда бир тупда ўсимлик бўйи 6,8-7,7 сантиметрга, барглар 4,9-13,6 донага зиёд бўлган.

Иккиҳосилли экин сифатида картошка навларида вегетатив органларининг шаклланиши ўрганилганда 90x15 см схемада энг юқори эканлиги қайд этилиб, “Амак” фрезали-культиватор ёрдамида парваришlash тадбирлари қўлланилганда назорат вариантга нисбатан навлар бўйича ўсув даврининг 40-куни ўсимлик бўйи 29,6-35,3 ёки 3,4-3,7 сантиметрга, барглар 26,6-34,4 ёки 4,6-5,4 донага зиёд бўлса, ўсув даврларининг кейинги 50-80-кунлари ҳар ўн кунда ўсимлик бўйи 45,0-91,5 ёки 2,7-6,6 сантиметрга, барглар 47,7-104,3 ёки 5,3-6,7 донага кўп бўлиши аниқланган.

Иккиҳосилли экин сифатида экилган картошка навларида вегетатив органларнинг шаклланиши 90x15 см схемада КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатилиб парваришланганда нисбатан юқори бўлиб, назорат вариантга қиёсан ўсув даврининг 40-куни ўсимлик бўйи 29,3-35,1 ёки 3,1-3,5 сантиметрга, барглар 26,3-34,0 ёки 4,3-5,0 донага ортиқча бўлди ва ўсув даврларининг 50-80-кунлари ҳар ўн кунда ўсимлик бўйи ўртача 44,4-92,0 ёки 3,2-6,1 см, барглар 46,8-102,8 ёки 3,8-5,3 донага зиёд бўлган.

Қатор орасини 90 см қилиб 90 x 15 см схемада “Амак” фрезали–культиватор ёрдамида парваришlash тадбирлари қўлланилганда ўрганилган картошка навларида барг сатҳи энг юқорилиги қайд этилиб, назорат вариантга нисбатан ўсув даврининг 40-куни барг сатҳи 0,27-0,35 ёки 0,05-0,06 м<sup>2</sup>га зиёд бўлса, бу кўрсаткичлар қонуният асосида ўсув даврларининг кейинги 50-70-кунлари ортиб бориб, сўнгги 80-куни 0,74 -0,79 ёки 0,05-0,06 м<sup>2</sup> га юқори бўлган.

Барг сатҳининг шаклланиши 70x20 см схемада картошка синалган ўртатезпишар навларида назорат вариантга нисбатан ўсув даврининг 40-куни барг сатҳи 0,24-0,32 ёки 0,03-0,05 м<sup>2</sup> га ортиқча бўлса, бу кўрсаткичлар қонуният асосида ўсув даврларининг кейинги 50-70-кунлари ортиб бориб, 80-

куни 0,68-0,75 ёки 0,06-0,08 м<sup>2</sup> га ошганлиги кузатилган.

Иккиҳосилли экин сифатида ўрганилган навлар 70x20 см схемада экилиб, “Амак” фрезали-культиватор ёрдамида парваришlash тадбирлари қўлланилганда барг сатҳи энг юқорилиги кузатилиб, назорат вариантга нисбатан ўсув даврининг 30-куни барг сатҳи 0,18-0,25 ёки 0,02-0,05 м<sup>2</sup> га зиёд бўлса, бу кўрсаткичлар қонуният асосида ўсув даврларининг 40-60-кунлари ортиб бориб, сўнгги 70-куни барг сатҳи 0,59-0,69 ёки 0,09 -0,11м<sup>2</sup> га юқори бўлган.

Барг сатҳи шаклланишининг нисбатан юқори кўрсаткичи картошка Sante ва Яроқли-2010 навлари 70x20 см схемада экилган ва КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатилиб 1-марта 18 см, 2-марта 23 см

чуқурликда 8-10 см ҳимоя зонаси қолдириб юмшатиш ва жўяк олиниб парваришланганда қайд этилиб, назорат вариантга нисбатан қонуният асосида ўсув даврларининг 40-70-кунлари ортиб бориб, сўнгги 80-куни барг сатҳи 0,58-0,68 ёки 0,08 -0,10м<sup>2</sup> га зиёд бўлганлиги аниқланган.

Энг юқори барг сатҳининг шаклланиши 90x15 см схемада экилиб, “Амак” фрезали-культиватор ёрдамида парваришlash тадбирлари қўлланилганда кузатилиб, назорат вариантга нисбатан навлар бўйича гектарига ўсув даврининг 40-куни барг сатҳи 19,8-25,6 ёки 3,7-4,4 минг м<sup>2</sup> га зиёд бўлса, бу кўрсаткичлар 50-70-кунлари ортиб бориб, 80-куни барг сатҳи 54,2-57,8 ёки 3,6-4,4минг м<sup>2</sup>га юқори бўлган.

Иккиҳосилли экин сифатида картошка Sante ва Яроқли-2010 навлари 90x15 см схемада экилганда ҳам энг юқори барг сатҳи “Амак” фрезали-культиватор ёрдамида парваришlash тадбирлари қўлланилганда қайд этилиб, назорат вариантга нисбатан навлар бўйича ўсув даврининг 40-куни гектарига барг сатҳи 14,6-20,5 ёки 1,4-4,4 минг м<sup>2</sup> зиёд бўлиб, бу кўрсаткичлар қонуният асосида ўсув даврларининг 50-70-кунлари ортиб, сўнгги 80-куни гектарига барг сатҳи 44,6-50,5 ёки 4,7-5,1минг м<sup>2</sup> га ортиқча бўлишини таъминлаган.

70x20 см схемада экилганга нисбатан 90x15 см схемада экилганда гектарига барг сатҳи 4,5 -7,3минг м<sup>2</sup> га юқори бўлиши қайд этилган.

Иккала ўрганилган картошка навларининг бир тупида палак вазни, ҳўл илдиз масса ва туганак ҳосили кўрсаткичлари 90x15 см схемада “Амак” фрезали-культиватор билан парваришланганда энг юқори эканлиги аниқланди ва назорат вариантга нисбатан навлар бўйича ўсув даврининг 40-куни бир тупда: палак вазни 229-248 ёки 9-14 граммга, илдиз массаси 16,3-17,4 ёки 0,7-1,2 граммга, туганак ҳосили 124-135 ёки 13-15 граммга зиёд бўлиб, бу кўрсаткичлар қонуният асосида ўсув даврларининг 50-70-кунлари ортиб бориб, сўнгги (80-куни) ўлчов даврида бир тупда: палак вазни 420-463 ёки 7-15 граммга, илдиз массаси 17,1-18,9 ёки 1,1 граммга, туганак ҳосили 619-656 ёки 22-24 граммга юқори бўлган.

Маҳсулдорлик кўрсаткичлари 90x15 см схемада КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатилиб ҳар хил парваришlash тадбирлари қўлланилганда нисбатан юқорилиги қайд этилиб, назорат

вариантга нисбатан навлар бўйича қонуният асосида ўсув даврларининг 40-70-кунлари ортиб борди ва сўнгги ўлчашда (80-кунида) бир тупда: палак вазни 416-458 ёки 3-10 граммга, илдиз массаси 17,0-18,7 ёки 1,0-0,9 граммга, туганак ҳосили 614-660 ёки 19-26 граммга юқори эканлиги аниқланган.

Иккиҳосилли экин сифатида синалган картошка ўртатезпишар Sante ва Яроқли-2010 навларининг бир тупида маҳсулдорлик кўрсаткичлари 90x15 см схемада “Амак” фрезали-культиватор ёрдамида парваришлаш тадбирлари қўлланилганда энг юқори эканлиги кузатилиб, назорат вариантга нисбатан навлар бўйича ўсув даврининг 40-куни бир тупда: палак вазни 165-195 ёки 13-15 граммга, илдиз массаси 13,0-14,6 ёки 0,4-0,5 граммга, туганак ҳосили 76-118 ёки 14-23 граммга зиёд бўлса, бу кўрсаткичлар қонуният асосида ўсув даврларининг 50-70-кунлари ортиб бориб, 80-куни эса бир тупда: палак вазни 331-386 ёки 9-25 граммга, илдиз массаси 16,0-17,4 ёки 0,4-0,9 граммга, туганак ҳосили 486-536 ёки 34-42 граммга юқори бўлган.

Нисбатан юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари 90x15 см схемада КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатилиб парваришлаш тадбирлари қўлланилганда олинган.

Юқоридаги қонуниятлар 70x20 см схемада иккиҳосилли экин сифатида картошка навлари экилганда ҳам “Амак” фрезали-культиватори ёрдамида парваришлаш тадбирлари қўлланилганда кузатилган.

Эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошкани 70x20 см схемада етиштиришга нисбатан 90x15 см схемада «Амак» фрезали-культиватор ёки КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатилиб 1-мартга 18 см, 2-мартга 23 см чуқурликда 8-10 см ҳимоя зонаси қолдириб юмшатиш ва жўяк олиш тадбирлари қўлланилганда тупроқ физик хоссалари, яъни тупроқ ҳажм массаси ва ғоваклигини яхшилаш имконияти яратилган.

Турли қатор ораликлари (70x20 ва 90x15 см схемалари) кенглиги ва ҳар хил парваришлаш тадбирлари қўлланилганда ўрганилган эртаги картошка навлари пайкали 0-20 см ҳайдов қатламларида йиллар бўйича май-июн ойлари ҳар декадасида тупроқ ҳароратини ўзгариш динамикаси аниқланди: май ойи тупроқ ҳарорати ўртача 21,8-24,2 ва 21,9-23,1<sup>0</sup>С гача, яъни қатламларда ўртача тупроқ ҳарорати 2,6 ва 2,4<sup>0</sup>С гача ортиб бориши кузатилди. Бу кўрсаткичлар июн ойида 0-10 ва 10-20 см қатламларда ўртача 26,4-27,9 ва 26,9-27,5<sup>0</sup>С ёки 1,5 ва 1,4<sup>0</sup>С секинлик билан ошиб бориши аниқланган.

Иккиҳосилли экин сифатида картошка навлари турли қатор ораликлари (70x20 ва 90x15 см схемалари) кенглиги ва парваришлаш тадбирлари қўлланилган вариантларда ўрганилганда картошка навлари тажриба пайкалида 0-10 ва 10-20 см ҳайдов қатламларида тупроқ ҳарорати йиллар бўйича июл-октябр ойлари ҳар декадасида ўзгариши июл ойида ўртача 26,5-24,5 ва 26,2-23,5; август ойи 24,6-23,9 ва 23,4-23,3; сентябр ойи 22,7-20,6 ва 22,0-20,1; октябр ойи 19,8-17,9 ва 19,3-17,5<sup>0</sup>С гача ёки ойлар давомида қатламларда тупроқ ҳарорати ўртача 2,0-2,7 ва 1,9-2,1<sup>0</sup>С гача пасайиб бориши кузатилган.

Тупроқ намлигини юқори қатламдан (0-10 см) пастки қатламга (10-20 см) қараб ортиб бориши 70x20 ва 90x15 см схемаларда «Амак» фрезали-культиватор ёки КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатилиб 1-марта 18 см, 2-марта 23 см чуқурликда 8-10 см ҳимоя зонаси қолдириб юмшатиш ва жўяк олиш тадбирлари қўлланилганда қайд этилди ва назорат вариантга нисбатан униб чиқишда 0,2-0,5 ва 0,2-0,3, шоналаш-гуллашда 0,1-0,5 ва 0,4-1,1, палак сарғайишда 0,5-0,6 ва 0,1-0,4% га юқори бўлиши қайд этилган.

Эртаги экин сифатида турли қатор оралиқлари ва парваришlash тадбирлари қўлланилганда картошка ҳосилдорлиги гектаридан навлар бўйича 24,4-33,3 тоннани ташкил этди(1-жадвал). Энг юқори ҳосилдорлик

навлар бўйича гектаридан 29,8-33,3 тонна ёки назоратга нисбатан 3,0-4,9 тонна (11,2-17,3%) экиш 90x15 см схемада амалга оширилиб “Амак” фрезали-культиватор ёки КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатиб юмшатиш ва жўяк олиб экиш тадбирлари қўлланилганда олинди. Қатор оралиғи кенглигини 70 см дан 90 см га кенгайтириш гектаридан 2,0-3,1 тонна (7,0-10,3 %) қўшимча ҳосил олинган.


Иккиҳосилли экин сифатида турли қатор оралиқлари ва парваришlash тадбирлари қўлланилган вариантларда синалган картошка навларининг ҳосилдорлиги гектаридан 20,8-29,1 ёки назорат вариантларига нисбатан 2,8-6,2 тонна юқори ҳосил қайд этилди. Картошка навлари бўйича энг юқори қўшимча ҳосилдорлик (3,3-6,2 т/га) 90x15 см схемада “Амак” фрезали-культиватор ёки КРН-2,8А культиваторига қўшимча мослама ўрнатилиб парваришlash тадбирлари қўлланилганда кузатилган.

Эртаги экин сифатида картошка навлари бўйича энг юқори товар (28,7-32,7 т/га), уруғбоп ҳосилдорлик (16,8-17,9 т/га) ва кўпайиш коэффициенти (4,7-5,0) 90x15 см схемада экилиб “Амак” фрезали-культиватор ёки КРН-2,8 А культиваторига қўшимча мослама ўрнатиб юмшатиш ва жўяк олиш тадбирлари қўлланилганда олинди. Ушбу қонуният иккиҳосилли экин сифатида картошка навлари ўстирилганда ҳам қайд этилиб, 90x15 см схемада экилганда гектаридан 25,3-28,2 тонна товар, 13,4-14,7 тонна уруғбоп ҳосилдорлик ва 4,1-4,9 кўпайиш коэффициенти қайд этилган.

Диссертациянинг «**Эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида қулай қатор оралиғи кенглиги ва парваришlash тадбирларида картошка ўстиришининг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида Сурхондарё вилояти қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида турли қатор оралиқлари (70x20 ва 90x15 см схемаларда) кенглиги ва парваришlash тадбирларида картошка ўртатезпишар Sante ва Яроқли-2010 навларини ўстиришининг иқтисодий самарадорлиги келтирилган (1-расм).

Эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка навлари ҳосилдорлигига турли қатор ораликлари кенглиги ва парваришлаш тадбирларининг таъсири

№	Парваришлаш тадбирлари номи, куруллари, сони, чуқурлиги (С)	Эртаги экин сифатида экилганда						Иккиҳосилли экин сифатида экилганда					
		Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га			Ўртача ҳосилдорлик, т/га			Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га			Ўртача ҳосилдорлик, т/га		
		2015	2016	2017	2015	2016	2017	2015	2016	2017	2015	2016	2017
<b>Ўртагезишар Sante нави (А) 70x20 см схемада (В) экилганда</b>													
1	КРН-2,8А культиватори ёрдамида 1-мартга 16 см, 2-мартга 18 см чуқурликда 8-10 см химоя зонаси қолдириб юмшатиш ва жуёк олиш (назорат)	24,8	25,6	22,8	24,1	20,6	22,0	20,8					
2	“Амак” фрезали-культиватор ёрдамида 1-мартга 18 см, 2-мартга 23 см чуқурликда 8-10 см химоя зонаси қолдириб юмшатиш ва жуёк олиш	28,1	30,5	27,2	28,6	25,4	25,6	25,1					
3	КРН-2,8А культиватори + кўшимча мослама ёрдамида 1-мартга 18 см, 2-мартга 23 см чуқурликда 8-10 см химоя зонаси қолдириб юмшатиш ва жуёк олиш	28,0	29,1	26,3	27,8	24,0	24,8	24,2					
<b>Ўртагезишар Ярокли-2010 нави (А) 70x20 см схемада (В) экилганда</b>													
